ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

Ислом КАРИМОВ

# IJODIY PARVOZ

11 (55)-сон
2017 йил, ноябрь

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

*Шараф Рашидович Рашидов – один из выдающихся государственных деятелей, известный писатель, который возглавлял нашу республику в крайне тяжелые и нелегкие годы, который усердно трудился во имя ее развития и благополучия. Этот политик был человеком прагматичным и при этом высокообразованным, хорошо знал историю, литературу, особенно классическую восточную поэзию, покровительствовал науке и искусству.*



## ЎЗБЕК ЎҒЛИ

*Бешикдамас, икки дунё орасида,*
*Елкасига номус номли тиғ илади.*
*Соҳибқирон Амир Те мур боласи-да,*
*Ўзбек ўғли султон бўлиб туғилади.*

*Жонидан ҳам афзал билиб эл ғурурин,*
*Она юртга бахш айлабон юрак кўрин,*
*Бири Широқ, яна бири Жалолиддин,*
*Юртга кўкси қалқон бўлиб туғилади.*

*Олса фақат Яратгандан олар фармон,*
*Чеҳрасидан иймон нури ёғилади.*
*Бу дунёси бўлса агар улуғ карвон,*
*Ўзбек ўғли сарбон бўлиб туғилади.*

*Юрагида Мирзо Бобур шиддати бор,*
*Вужудида Мир Алишер талъати бор,*
*Боболардан мерос — буюк давлати бор,*
*Унга асл посбон бўлиб туғилади.*

*Ҳар бирлари арслонюрак, лочин қушлар,*
*Нигоҳига Зухро юлдуз йиқилади.*
*Бешикларда ётар жажжи Алпомишлар,*
*Ўзбек ўғли достон бўлиб туғилади.*

**Ифтихор ХОНХЎЖАЕВ,**
**Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши 1-босқич талабаси**

# ГОРДОСТЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ



Нам всем известно, что Шараф Рашидов, родившийся в Джизакском районе (ныне район Шарафа Рашидова) Джизакской области, прошел огромный жизненный путь: учился в Самаркандском государственном университете, работал в Самаркандской областной газете «Ленин юлы», участвовал во Второй мировой войне, был тяжело ранен. Вернувшись с фронта, он в качестве редактора возглавил Самаркандскую областную газету «Ленин юлы», затем работал секретарем Самаркандского обкома партии, редактором республиканской газеты «Кизил Узбекистон», председателем правления Союза писателей Узбекистана. В течение девяти лет он занимал пост председателя Президиума Верховного Совета Узбекистана, а с 1959 года до самой смерти в 1983 году, был руководителем республики. Он был дважды Героем труда, лауреатом Государственной премии. При этом, где бы ни работал Шараф Рашидов, он не прекращал заниматься творчеством, выходили в свет его стихи, романы и повести, публицистические статьи.

Шараф Рашидов, несмотря на сложности и трудности советского времени, стремился к обеспечению стабильности в республике, сохранению национальных материальных и духовных ценностей, культурного наследия, чтобы родной Узбекистан стал известен всему миру. Он стоял во главе работы по превращению степей в сады, в цветущий край, созданию на них новых хлопковых полей, восстановлению нашей столицы – города Ташкента после землетрясения 1966 года. Несмотря на возражения бывшего Центра, Шараф Рашидов добился строительства в Ташкенте метрополитена. Он стремился по возможности сохранить исторические памятники, места поклонения верующих.

21 августа 1950 года Шараф Рашидов был избран председателем Президиума Верховного Совета Узбекской ССР, то есть стал руководителем республиканского масштаба. А 14 марта 1959 года, после бурных обсуждений на пленуме ЦК Компартии Узбекистана, Шараф Рашидов был избран на должность первого секретаря. На этом посту Рашидов стремился минимизировать вред, наносимый республике приказами Центра, добивался выделения необходимых средств и материальных ресурсов. Все это было результатом дальновидной хозяйственной политики, рассчитанной на далекую перспективу.1966 год в истории Ташкента печально известен как год разрушительного землетрясения, последствия которого, однако, город смог преодолеть победно.

Шараф Рашидов сумел мобилизовать на восстановление города не только жителей Узбекистана, но и весь советский народ, а главное — руководство СССР. Началось массовое прибытие строительных отрядов из всех республик Советского Союза. Использовалась и армия, которая построила для жильцов палаточные городки в центре города. Такого большого участия в восстановлении разрушенного города, которое сформировалось под руководством Шарафа Рашидова, страна не видела за все время своего существования. За 3,5 года в столице появились многоэтажные жилые комплексы и образовались новые районы.

По инициативе Шарафа Рашидова в 1968—1970 годах началось строительство Ташкентского метрополитена (единственный в Средней Азии), первая линия которого (Чиланзарская) длиной 12,2 км с девятью станциями была запущена в 1977 году. Благодаря усилиям Шарафа Рашидова, Узбекистан стал одним из промышленных центров Востока. Выпускались более 60 больших военно-транспортных и гражданских самолетов, свыше 21 тысяч тракторов и свыше 10 тысяч хлопкоуборочных комбайнов в год. Но далеко не все в период политической карьеры Шарафа Рашидова было так гладко. Главной проблемой для республики, особенно со второй половины 70-х годов стала монокультура хлопка. За это впоследствии критиковали политику Рашидова — он несет определенную ответственность за усиление хлопковой монокультуры, за массовое привлечение детей и студентов к сбору хлопка. Также его критиковали за допущение коррупции, кумовства и чиновничьего произвола. Но это происходило в последние годы его правления и связано было с общим морально-психологическим климатом в СССР, так как Центр требовал от Шарафа Рашидова сбора 5 миллионов тонн хлопка в год, что было возможно только при привлечении большей части населения. По «хлопковому делу» Шараф Рашидов подозревался в коррупции, но Гдлян и Иванов(прибывшие следователи из Генеральной Прокуратуры СССР) не нашли ни одного факта, подтверждающего этого подозрения. После смерти Рашидова 31 октября 1983 года его имя стараниями центральных СМИ связывалось с неприглядными сторонами последнего периода советского строя. К сожалению, для нескольких поколений эпоха Шарафа Рашидова была представлена как период беззакония и отсталости.

Как утверждал сам Шараф Рашидов, ему больше была близка поэзия и литература. Как талантливый писатель и поэт, он своей общественной и творческой деятельностью внёс большой вклад в развитие национальной культуры, литературы и искусства. Он с молодости писал стихи. Первый сборник — «Мой гнев» вышел в 1945 году, посвященный победе над фашизмом. Позже, спустя шесть лет, вышел роман «Победители» (1951 год) , где описывались события военных лет и послевоенной жизни. Он писал о реальной жизни, прототипами были и реальные люди, с которыми сводила его судьба. В романах «Сильнее бури» (1958) и «Зрелость» (1971) написано тех же героях, поэтому эти книги сложились в трилогию. Была еще написана книга «Могучая волна»

(1964) — о тыловом периоде, который он пережил сам. Шараф Рашидов писал о безграничном героизме людей в тылу в годы Великой Отечественной войны.Спустя 34 года после его смерти, узбекистанцы помнят Шарафа Рашидова, как человека, который всю свою жизнь посвятил культурному, экономическому и политическому прогрессу в Узбекистане, как человека прошлого и будущего, как человека, благодаря которому мы живем в процветании и благополучии, как человека, который несмотря на тяжелый и долгий путь и сложности жизни, сохранил в себе самые благородные порывы сердца, которое в 65 лет просто не выдержало, и сердечный приступ безвременно унес его из жизни.

Мы помним, ценим и любим вас, Шараф Рашидович Рашидов!

**Сабина БЕРДИЕВА,**
**студентка 3 курса направления «Организация и управление учреждениямикультуры и искусства»**

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол – жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир.

# ЁШЛАР – ЭРТАНГИ КУН УМИДЛАРИ

Бола оилада дунёга келади. Катта ҳаётга, атрофдаги инсонларга ва жамиятга бўлган дастлабки муносабати шу муҳитда шаклланади. Бир сўз билан айтганда, илк тарбиянинг илдизи айнан оилада томир отади. Юртимиз эгаларининг баркамол, етук бўлиб вояга етишида оила, маҳалла, мактаб, коллеж, умумий қилиб айтадиган бўлсак, барчамиз бирдек масъулмиз. Ўз ўрнида фарзандига намуна бўлиб келган ота-онанинг фарзанди ҳам етук инсон бўлиб шаклланиши шубҳасиз.

Бугун мустақил Ўзбекистонимизда ёшлар тарбияси ва келажаги учун улкан ишлар амалга оширилмоқда, умумий ўрта таълим ва унинг узвий давоми бўлган касб-ҳунар ҳамда олий таълим сифатини оширишга, ўғил-қизларимизнинг малакали кадр бўлиб етишишига жиддий эътибор қаратилмоқда ва ёшлар тарбияси, давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Гап ёшлар тарбияси ҳақида кетар экан, шундай савол туғилади: *“Катталар ёшларга ўрнак бўла оляптими?”*

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда яратилган имкониятлардан фақат ёшлар эмас, балки айрим ота-оналар ҳам тўғри фойдаланишмаяпти. Ўз фарзандини назорат қилмайдиган, қаерда, ким билан юргани, нима билан машғул эканлигини суриштирмайдиган ота-оналар ҳам бор. Фарзанди иқболи учун аввало, ота-онанинг ўзи, ибрат бўлиши керак эмасми?! Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган ҳодисани айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Университетда ўқиб юрган кезларимда йўлим доим бир маҳалладан ўтарди. Бу маҳалланинг баъзи кишилари эрталаб ва кечки пайт кўчада йиғилиб қарта, нарда ўйнашарди. Бу бир қарашда оддий ҳолдек, “катталарнинг эрмаги”, бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бу одатий ҳолатнинг тагзамирида тарбияга зид келувчи жиддий муаммо ётибди. Яна ҳам ташвишлиси, ўша маҳаллада яшовчи ёшгина боладан “Катта бўлсанг ким бўласан?” деб сўраганимда, бийрон тили билан: “Катта бўлсам дадамдек қарта ўйнайдиган бўламан!” дея тушуниб-тушунмай айтган гапларидан бир зум эсанкираб қолдим.

**Наҳотки, бу одамлар фарзандларига шу тариқа “ибрат ва намуна” кўрсатишаётган бўлса? деб ўйладим. Афсуски шунга ўхшаш ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Ахир, фарзанд учун биринчи навбатда намуна вазифасини ўтовчи унинг ота-онасику! Мана шундай ғайритабиий жараёнлар туфайли уюшмаган ёшлар жамоаси шаклланиб қолмаяптимикин?**

Бола тарбияси хусусида рус адиби Лев Толстойнинг бундай ҳикматли сўзи бор: “Болаларни тарбиялаш муваффақиятли бўлмоғи учун тарбия берувчи кишилар ўзларини тўхтовсиз тарбия қилишлари даркор”.

Бугун фарзандини телефону компютердан кўз узолмай, муккасидан кетганини нолиб гапираётганлар, ўзини бош айбдор сифатида кўриб, айбни боладан эмас, ўзидан қидирганида, бундайин муаммолар ўз ечимини топиб бораверарди.

Кўчадан бери келмай, бирор ишнинг, касбнинг бошини тутмаган, ўз ҳаёт йўлини ёруғ қилиш, келажагини мустаҳкамлаш ўрнига бефойда ишлар билан вақтини совураётган ёшларнинг учраётгани ачинарлидир. Умрининг айни гуллаган чоғида ҳаёт пилла-поясидан юқорилаш ўрнига, аксинча пастга шўнғиётганини тушунишмаяптими, ёки буни уқтириши керак бўлган ота-она фарзанди иқболига шунчалик бефарқми? Бугун кичик ва арзимас бўлиб кўринган муаммо эртага жамият учун катта хавф туғдирмайди, деб ким айта олади? Бу хусусда эса болага тарбияни нафақат ўқитувчи-мураббий, балки ота-она ҳам бериши, касб-ҳунар, билим олиш орқали ҳаётда муносиб ўрнини топиши лозимлигини уқтириб бориши шарт деб ўйлайман. Келажагимиз ворислари озод ва обод юртимизнинг эртасини ҳал қилувчи, юксалтирувчи асосий куч бўлиб майдонга кириб келишмоқда. Имкониятларнинг очиқ эшигидан кириб, улардан унумли ва оқилона фойдаланиб, юрт корига яраш, бугун асосий вазифага айланмоғи лозим. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” дея айтган гапларини мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ушбу долзарб вазифаларни бажариш ҳар биримиз учун ҳам фарз ҳам қарздир.

Бунинг учун эса фарзандларимизнинг таълим-тарбия олишида хато ва сусткашликка йўл қўймаслик зарур. Айнан ёшлар тарбияси барчамиз учун масъулият, зиммамиздаги кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

**Фикрларимнинг хулосаси сифатида қуйидаги таклифларни киритаман:**

**Биринчи таклиф:** Ёшларнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашишларини янада кучайтириш, шунингдек, мамлакатимизда кучли ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур.

**Иккинчи таклиф:** Мамлакатимизда ҳар бир таълим муассасасида ҳар ойда камида бир маротаба ватанимиз истиқболига муносиб ҳиссасини қўша олган давлат арбоблари, саънат жонкуярлари, фан профессорлари, спортчи чемпионлар ва кўплаб барча соҳаларга оид юрт фидойилари билан учрашувлар ўтказиш ҳамда бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритиб бориш ва ёшлар онгига фидойилик жасоратини яратиш.

**Учинчи таклиф:** Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор, фан-техника, маиший жиҳозлар, кийим-кечак, канцларея моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламалари ва афишаларида бугунги кунда ёшларни ўсиб келаётган ёш авлод ва тенгдош дўстлари ундан ўрнак олишларига замин ҳозирлаш учун манба сифатида фойдаланиб, юқоридаги барча соҳа ва хизматларга тадбиқ этиш каби хулосавий таклифларимни билдирмоқчиман.

**Йўлчи РЎЗИЕВ**

## СОЛНОМА

1

***Иккинчи ва учинчи ноябрь кунлари “Mening Yurtim 5” телеканали ва ЎзДСМИ институти ҳамкорликда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” мукофоти видеоролиги суратга олинди. Видеороликда “Халқ ижодиёти” факультети талабалари Камолиддин Умаров, Шоҳжаҳон Юлдашев, Сирож Халимов ва бошқалар суратга тушдилар.***

2

*17 ноябрь куни Миробод туман 57-сон ихтисослаштирилган махсус мактабда “Ҳаёт қадри” шиори остида ногиронлар ва талабалар ўртасидаги учрашув бўлиб ўтди. Учрашув сўнгида болажонлар учун концерт дастури намойиш этилди.*

3

***18 ноябрь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Ахборот-ресурс марказида талабалар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган санага бағишланган ўқув семинар бўлиб ўтди.***

4

*25 ноябрь куни ЎзДСМИ талабалари иштирокида Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 71-ёрдамчи мактаб интернатида “3 декабрь Халқаро ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш куни” га бағишланган байрам дастури ўтказилди.*

5

***27 ноябрь куни Маданият ва аҳоли дам олиш марказида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Ёшлар иттифоқи” БТнинг энг фаол талабалари томонидан уюштирилган “Shou consert” деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.***

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори, “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 31-майдаги ПҚ-3022 сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 2017 йил 21-сентябрь куни “Буюк келажакка қатъий ишонч билан” шиори остида ўтказилган очиқ мулоқотнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида куни кеча бир-биридан ажойиб ўтказилган юксак савиядаги томошабоп тадбирлар ўзининг мазмунга бой топилмалар ва изланишлардан иборат кўринишидаги чиқишлар билан барча қатнашчилар қалбидан чуқур ўрин олди.**

# ЭЪТИРОФ

Институтнинг “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасинингг умидли ва маҳоратли ёш ижодкор ўқитувчилари Сардор Маннонов ҳамда Раҳимжон Дўсановларнинг ташаббуслари билан ташкил қилинган спектакль ва концерт программалари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 25 йиллигига бағишланди.

2017 йилнинг 21-октябрида институтнинг ўқув театрида ўтказилган Раҳимжон Дўсановнинг “RDR” бир актёр театр студиясининг “Широқ” номли бир актёр театри спектакли ёш актёр ҳамда режиссёрларнинг касбий маҳоратини оширишга ва илк бора ташкил этилган ушбу студиянинг оммалаштиришга қаратилгани фикримизнинг яққол далилидир. Ушбу спектакль бир неча йил аввал Раҳимжон Дўсанов томонидан “Дебют – Республика ёш режиссёрлар” фестивалида ҳам намойиш этилиб, юксак эътирофга сазовор бўлган эди.

Шунингдек, 2017 йилнинг 24-октябрида шижоатли педагог, кафедрада ташкил этилган “Ниҳол” пантомима ижодий тўгараги раҳбари Сардор Маннонов ташкиллаштирган “Mime Boys” пантомима театр студиясининг Ўзбекистонга хуш келибсиз!” (Welcome to Uzbekistan) номли жозибадор концерти пантомима йўналишидаги шоу дастур бўлиб, институтнинг 2 ва 3 босқич “Драма кино актёрлиги” ҳамда 4-босқич “Қўғирчоқ актёрлиги” йўналишининг истеъдодли талабалари ижросидаги чиқишлар билан ўзининг ранг-баранглиги, пластик ҳаракатдаги эмотциялар, завқли намойишлар, айниқса, барчанинг олқишига сазовор бўлган халқимизнинг севимли санъаткорлари Севара Назархон, Баҳром Назаров, Жасур Умиров, Райҳон, Жаҳонгир Позилжонов, қолаверса, чет эл қўшиқчиларига тақлид, яъни пародиялар, турли миллатга хос бўлган рақслар, чироқ рақслари ҳайратли даражадаги энг зўр чиқишлар бўлди, десак муболаға бўлмайди. “Ритмика, пластика, пантомима”дан ўта қизиқарли дарс ўтиб, истеъдодли талабаларни янаям катта санъат чўққиларига етаклаётган Сардор Маннонoвнинг серқирра ижоди 2012 йилда Олматада ўтказилган Халқаро фестивалдаги “Искандар” номли бир актёр театрида ҳам юксак эътироф этилиб, “Грант При”га сазовор бўлганлиги янаям кенг қамровли ижодкор ўқитувчи эканлигидан далолат беради.

Намойишлардан сўнг ўтказилган муҳокамаларда профессор ўқитувчилар, театршунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, жумладан, устоз Жўра Маҳмудов фахр билан “Ўзбекистонга қувват берадиган катта кучдаги чақмоқ чақнади” дея иштирокчиларга юксак таъриф бердилар. “Режиссёрлик ва актёрлик асослари” фани ўқитувчиси устоз Маъмур Умаров эса, “жисмсиз хатти-ҳаракат” актёрлик қобилиятининг бош бўғини,

***“Намойишлардан сўнг ўтказилган муҳокамаларда профессор ўқитувчилар, театршунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, жумладан, устоз Жўра Маҳмудов фахр билан “Ўзбекистонга қувват берадиган катта кучдаги чақмоқ чақнади” дея иштирокчиларга юксак таъриф бердилар.”***

мен бугунги шоуда жисмини тўлақонли бошқара оладиган қобилият эгаларини кўрдим” дедилар фахрланиб. Кафедра мудири Насиба Эркиновна эса улкан иқтидор эгаси бўлган изланувчан шогирдлари Сардор Маннонов ва Раҳимжон Дўсановларга қарата, “булар бизнинг келажаги буюк устунларимиз, қолаверса, мен уларни янаям ижодий ўсишлари учун доимо қўлимдан келганча керакли маслаҳатларимни бериб, ҳамиша қўллаб-қувватлайман” дея эътироф этдилар.

Институтимиз фахри бўлган ана шундай янгиликка интилувчан, янгидан-янги лойиҳалар устида иш олиб боришга интилаётган ёш умидли шижоаткор ўқитувчиларимиз бор экан, келажакда албатта улар тарбиялаётган билимга чанқоқ ёшларимиздан ўз соҳасининг етук мутахассислари етишиб чиқишига, қолаверса, санъатимизни юксакларга кўтарадиган ёшлар камол топишига чин дилдан ишонамиз.

Муҳаррам **БОЗОРОВА**
**«Кино, телевидение ва радио санъати» факультети Ёшлар иттифоқи етакчиси.**
**Мухбирлар клуби сардори**




Ролик моҳиятига кўра “ғилдирак”, “айлана” маъноларини англатади. Кинематография ва телевидение санъатининг ривож топиши ҳам шу роликлар билан боғлиқ. Видеотехнология имкониятларининг кенгайиши натижасида оммага маълумотларни етказишнинг турфа шакллари ва усуллари кўпайиб, ролик ҳам кичик жанр сифатида ўз мазмунига эга. Видеороликлар бугунги кунда жуда оммалашган жанр бўлиб, унинг қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Одатда, роликлар кун давомида теледастурлар орасида тез-тез намойиш этилиб, айланиб туради. Видеороликлар ҳажмига кўра, 60 секунддан 10 дақиқагача бўлиши мазмунан ва шаклан кичиклиги, вақтининг қисқалиги қулайлик туғдиради. Уларнинг ҳажми албатта танланган мавзу ва мақсаддан келиб чиқади.

Роликлар мавзу йўналиши ва мазмунига кўра бир қатор ички турларга ажралади. Масалан, реклама роликлари, ижтимоий роликлар, лирик роликлар ва трейлер (киноролик)лар шулар жумласидандир. Биз ҳар куни дуч келадиган рекламалар ушбу жанрнинг энг кенг қўлланадиган тури бўлиб, унинг асосида маълум бир маҳсулотни тарғибот қилиш мақсади етакчилик қилади. Мисол ўрнида хотирамизга ўрнашиб қолган турли дори-дармонлар, фирма маҳсулотлари ва бошқа кўплаб рекламаларни эслашимиз кифоя.

Ижтимоий роликлар эса мавзу жиҳатдан долзарб хусусиятга эга бўлиб, уларда ижтимоий аҳамиятга эга масалалар ёритилади. Табиатни асраш, экология мавзуси, кашандалик ва наркоманияга қарши курашиш, одам савдоси каби иллатлардан огоҳликка чорлаш, электр, газ ва бошқа табиий манбалардан тежамкорлик билан фойдаланишга даъват қилувчи роликларни ижтимоий роликлар сифатида мисол келтириш мумкин.

Кўз олдингизга келтиринг: майин мусиқа, сокин овозда ўқилаётган шеър ёки монолог уйғунлигида, унинг мазмунига ва сўз кайфиятига мос манзаралар акс этмоқда. Унда эстетика, инсон қалби, ҳаёти, орзулари ва табиат мужассам. Бундай бадиийликка йўғрилган қисқа тасвирли тақдимлар лирик роликлар ҳисобланади. Бундай роликлар инсон қалби, қадр-қиммати, эзгулик каби азалий ва умумбашарий тушунчалар моҳиятини англатишга, эслатишга, руҳий юксалтиришга хизмат қилади.

Роликнинг яна бир шакли бўлган трейлерлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Чунки бу бевосита кино санъати билан боғлиқ жараёндир. Кинороликнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда янги суратга олинган фильмнинг томошабин учун қизиқарли бўладиган мавзуси, жанри ва ғояси ҳақида маълумот берувчи энг муҳим нуқталаридан умумлашма тасвирий парча тайёрланади. Унда сўз, мусиқа, қаҳрамонлар диалоглари, тасвир ва кадр ортидан фильм ижодкорлари ҳақидаги маълумотлар қамраб олинади. Бундай ихчам бадиий шакл кутилаётган фильмнинг нима ҳақидалиги бошланғич маълумотларни бериш билан бирга томошабинни қизиқтириб қўйиш хусусиятига эга бўлади.

Энди мавзунинг яна бир жиҳатига эътибор қаратсак, ушбу видеоролик жанрини санъат сифатида қабул қилиш мумкинми? Агар мумкин бўлса қайси жиҳатлар бунга асос бўла олади? Айтиш жоизки, роликлар қандай мазмунда ва қай шаклда яратилмасин, уларда фақат тарғибот билан чекланилмайди. Аксинча, уни етказишнинг турли бадиий воситалари, ижоднинг турфа усулларидан унумли фойдаланилади. Санъатда етакчи тушунчалар ҳисобланувчи образ ва образлилик, сюжет, метафора ва шартлилик, рамз ва тимсоллар ролик яратишда ҳам муҳим унсурлар саналади. Сўз, тасвирий санъат, мусиқа, ижро санъат ҳисобланар экан. Ижодга хос ана шу унсурлар воситасида яратиладиган видеоролик жанрини ҳам кинематография ва телевидение санъатидаги бир тармоқ сифатида эътироф этишга ҳақлимиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг режиссёрлик, операторлик йўналиши талабаларига дарс машғулотларида роликлар суратга олиш вазифаларининг топширилиши бежиз эмас. Кичик ҳажмли роликлар орқали катта мазмунга эга бадиий бутун тасвирий ишни ярата билган ижодкор, ўз касби сири нимада эканлигини англаб етади ва келгусида профессионал фаолиятида шу асосга таяниб, тажриба ошириб бораверади.



**Ҳамроз БАЁНОВ,**
**«Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» йўналиши 2-босқич талабаси**

*Бир куни Бахт ҳаётидан хафа бўлиб, энг яқин дўсти бўлмиш Мухаббатга нолибди:*

*– Биласанми, уйимизда ҳар куни жанжал, уруш, тўполон. Арзимаган нарсага дилхиралик. Бахт деб ном беришади, тилаклар тилашади-да, яшашга, кун кўришга беришмайди. Шундай давом этаверса бу ерлардан бош олиб кетаман. Кўнгилсизликларни гувоҳи бўлавериш умримни қисқартириб юборяпти.*

# БИЗ СЕНГА ИШОНАМИЗ

Ҳикоя

*– Эҳ, Бахтжон! Сен Муҳаббатни ошиғи олчи деб ўйлайсанми? Олдинлари ҳар бир инсон кўзида акс этардим. Ота-она, фарзандлар кўзида, ёш йигит-қиз кўзида. Уларнинг қалбидан жой олардим. Мен энг муқаддас туйғу, пок туйғу эдим. Ҳозир-чи? Ўзимни излай-излай чарчадим. Аҳён-аҳёнда бор бўлсам борман, бўлмасам йўқ. Агар кетадиган бўлсанг, мени ҳам узоқ ўлкаларга олиб кет. Ўша ерларда кўпроқ умр кўрайлик.*

*– Сен бир нарсани билишинг керак, Муҳаббат, агар биз кетадиган бўлсак, ўзимиз билан Ишончни ҳам олиб кетишимиз даркор. Усиз бизнинг борар жойимиз бефойда.*

*– Ҳа, аммо мен анчадан буён Ишончни учратганим йўқ, уни қаердалигини ҳам билмайман.*

*– Унда бундай қиламиз, Ишончни қидириб топамиз. Унга вазиятни тушунтирамиз. Сўнгра инсонларни тарк этамиз.*

*Муҳаббат билан Бахт Ишончни излай бошлабдилар. Уни аввало масжиддан, сўнгра бозорлардан, кўчалардан, ҳатто уйма-уй юриб излабдилар. Афсуски, Ишонч ҳеч қаерда йўқ экан. Шу пайт йўлда қариб- қартайиб аранг юриб келаётган Оқибатни тўхтатиб, ундан Ишончнинг қаерда эканлигини сўрашибди:*

*– Ишончни қишлоғимиз четидаги емакхонадан топасизлар. Мен уч кун аввал уни ана шу ерда гадойлик қилиб юрганини кўрдим. Авваллари сира ҳам уни бу аҳволда кўрмаган эдим.*

*Бахт ва Муҳаббат бу гапни эшитибоқ, Ишончнинг қаршисига чопдилар. Ҳақиқатдан ҳам, емакхона остонасида жулдур кийинган, касалманд, озиб тўзиб кетган Ишонч турарди. У одамларга қараб “Ёлғон садақа қилинг, яхшилик учун ёлғон садақа қилинг” деб тиланчилик қиларди.*

*– Нега тиланчилик қиляпсан, бу ёлғонларни йиғиб нимага эришмоқчисан, – сўради Муҳаббат.*

*– Ёлғон нима, биласизми? У худди вабо касалига ўхшаб хатарли. Одамларни захарлайди, дилларни синдиради, қабих ишларни қилади. У дастлаб асалдек ширин туюлади, кейин ўз кучини кўрсатади. Кундан-кунга кўпайса кўпаядики, камаймайди. Ёлғон болалагани сари инсоният қалбида бизга жой қолмайди, сиқиб чиқаради. Менга, Ишончга жой қолмаса, хўрлашса, сенга – Муҳаббат, Бахт – сенга ҳам кун йўқ, ҳаёт йўқ! Инсонларда ёлғон кўпайган. Шунинг учун ҳам улардан ёлғонни садақа қилишларини бироз бўлса ҳам камайтиришни сўраяпман. Бу иллатни фақат шу йўл билан йўқотишим мумкин.*

*– Биз сенга ишонамиз, Ишонч. Муҳаббат иккимизнинг онамизсан. Барчамиз инсонларни яна илгаригидек, бир-бирига ишонишлари, кўнгилларини муҳаббат билан тўлдиришлари ва бахтли яшашлари учун биз ҳам сенга ёрдам берамиз...*

**Муаззам НИШОНБОЕВА,**
**Саҳна ва экран санъати драматургияси йўналиши 3-босқич талабаси**

Ҳикоя




Муҳаррирлик ҳам анчагина оғир ва масъулиятли экан. Бугун газетанинг янги сони нашрдан чиқди. Бу галгиси ҳаммасидан кўра қийин бўлиши билан бирга янгиликларга бой бўлди. Газетанинг барча ходимлари кетгач, Абдулазиз хонага ёлғиз ўзи қолди. У ёзув столига ўтириб бошини қуйи солиб ҳамон хаёл суриб ўтирибди. Бир қўлида ручка оппоқ вароққа нималарнидир ёзиб яна ўчиради, ёзади, ўчиради. Чуқур уф тортиб, ҳамма томони ручка рангига бўялган вароқни ғижимлаб хона бурчагидаги чиқиндилар челагига улоқтирди, ручкани эса зарда билан стол устига ташлади. Ўрнидан истар-истамас туриб дераза томон юрди. Октябрь ойининг ўрталари олма, ўрик ва бошқа дарахтлардан тўкилаётган олтинранг япроқлар ер юзини олтинга бўягандай гўё. Ҳар holда куз фасли, ташқарида анча салқинлик ва олтин кузнинг майин шамоли эсиб турибди. Ишхона деразаси яқинида қирмизи олма ғарк пишган. Атласранг олмалар камалак каби турли товланиб, кўнгилни яшнатади. Тип-тиниқ сокин денгизнинг ҳар-ҳар жойида пайдо бўлган сув пуфакчалари каби мусаффо осмонда ёпишиб турган яккам булутлар алла айтиб осмонўпар чинорларни тебратаётгандай гўё. Абдулазиз бир муддат бу гўзал манзарага тикилиб турди-да, беихтиёр деразани очди. Кузнинг ёқимли ҳавоси билан қирмизи олмаларнинг хушбўй ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Олма шохларини эгиб ўзгача товланиб турган қирмизи олмалар Абдулазизни ёшликнинг ажойиб хотиралари, ўспиринлик чоғлари томон етаклади. Ёшликдаги шўхликлару беқарорликлар, айникса қўшни қиз Шодия билан ўрталаридаги соф муҳаббат кўз ўнгидан видео тасмаларидек ўта бошлади. Ўшанда у ўн саккиз ёшда эди. Бир куни мактабдан қайтаётиб йўл чеккасида ғарк пишган қирмизи олмалардан икки дона олиб, орқадан узун сочларини кўз-кўз қилиб дугоналари билан беғубор кулишиб келаётган ўзидан бир синф кичик ўқийдиган қўшни қиз Шодияни кутиб турди. Дугоналари билан хайрлашиб уйига томон бурилиб кетаётган бу гўзал қиз унинг кўзига ҳар галгидан кўра гўзалрок кўриниб кетди.

– Шодия... Шодия, илтимос, тўхтанг! – деди у ҳар доимгидай сизлаб. Қизнинг бошини қуйи солганча кетаётганини кўрган Абдулазиз унга етиб олиш мақсадида қадамларини тезлатди. – Олма... олма пишибди, – деди у дудуқланиб, – сиз учун уздим бу олмаларни, – деди у олмаларни қизга узатаётиб.

– Менгами? Биттасини оламан, қолгани ўзингизда қолаверсин, – деди чуқур ҳаяжонда турган Шодия.

– Ҳа майли. Биласизми, сизга анча вақтдан бери бир гап айтмоқчи бўлиб юраман, лекин... лекин...

Шодия Абдулазизнинг гапларини эшитишни ҳам, эшитмасликни ҳам билмай қўлидаги олмани чангаллаганча ерга қараб ўтирарди.

– Абдулазиз!.. Абдулазиз, деяпман! Қаерларда юрибсан, бола тушмагур, бир соатдан бери нима қиляпсан кўчани бошида?! Моллар маъраб қулоқ-мияни еди-ку!

Кўча бошидаги пахса деворлар орасидан бошини кўча томон чиқариб ўғлини чақираётган аёлнинг баланд овозини эшитган Шодия кетарини ҳам, қоларини ҳам билмай ҳаяжонда қотиб қолди. Бир муддатдан кейин ўзига келгач, уйига томон шошганча юриб кетди.

– Эртага мактабга борасизми?

У Абдулазизнинг бу сўзларини эшитмасликка олиб кетаверди, дарвозасига яқинлашгач ич-ичидан нимадир, балки унга бўлган ҳурмати ёки қалбидаги соф муҳаббатнинг илк куртакларидир, жавоб қайтаришга ундади:

– Эртага якшанба-ку?

У мана шу сўзларни айтар экан, ўгирилиб Абдулазиз томон самимий жилмайди-да, дарвозадан ичкари кириб кетди.

Душанба куни мактабга кетаётиб Шодияга яна қандай гап қўшсам экан, унга бўлган муҳаббатимни қандай изҳор этсам экан деган ўйда кетаётган Абдулазизнинг хаёлига ўша кунги олмалар келди. Яна шу олмалардан териш мақсадида қадамларини тезлатди. Дарахт ёнига келиб некўз билан кўрсинки, бир дона ҳам олма йўқ. Абдулазиз қишлоқнинг тўпори оққўнгил ҳақиқий қишлок йигити эмасми, режалари барбод бўлганини кўриб кўзларида ёш айланди. Кейин билса, якшанба куни келган олмафурушлар битта қолдирмай териб кетган экан. Нима қилишини билмай колган Абдулазиз ўтган кунги олмани костюмининг чўнтагига солиб қўйганини эслаб орқасига қайтди. Йўлда кетаётиб уйи яқинидаги муюлишга етганда шошилиб келаётган Шодияни қўлларидаги атласранг олмани кўриб ўзида йўқ севиниб кетди...

Баланд жиринглаган телефон овози Абдулазизни хаёллар уммонидан соҳил томон қалқитиб юборди.

– Алло, эшитаман!

– Дада, келяпсизми? Бугун ойимнинг туғилган кунлари-ку, эсингиздан чиқдими?

– Йўқ-йўқ, эсимда, ҳозир бораман, ўғлим.

Абдулазиз хаёлидан кечган барча нарсаларни оқ вароққа тушириб, ўз ҳикоясини якунлаб, ручкани ҳам очиқ қолган қоғоз устида қолдириб, хонадан шошилганча чиқиб кетди.

* * *

Кун қорайиб қолган. Шом вақти. Эшик қўнғироғи жиринглади. Эшикни соч турмаклари ўзига ярашган, юзларида байрамий табассум билан ўттиз беш ёшлардаги бир аёл очди. Ташқарида бир сават қип-қизил олма кўтарган кўйи Абдулазиз турарди...

**Яҳёхон ФАЁЗ,**
**Саҳна ва экран санъати драматургияси йўналиши 3-босқич талабаси**

# ДРАБЛЛАР

### Садоқат

**Ёзувчи севгининг куч-қудрати, унинг нақадар гўзаллигини куйлаш учун «Севги садоқати» деб номланган асари тагига «Барча севган қизларимга бағишлайман», деб эпиграф қуйди.**

### Дўстлик

*Инсондан дўст чиқмайди. Ит инсоннинг дўсти деган гап ҳам бор, тўғри. Лекин қайси инсон ўз дўстини занжирга боғлаб, ўзидан қолган суяк билан меҳмон қилади. Ахир дўстлик – тенглик дегани эмасми? Ит – дўстинг бўлса ўзинг еяётган ғўштни ярмини бер. Мана инсон нақадар маккор, фойдаси тегса итни ҳам дўстим дейди. Қизиқ ит «тулки» билан дўст тутинганини билармикан?*

### Биринчи парта

Мактаб қоидаларига кўра ҳар ҳафтада энг кўп беш баҳо олган ўқувчилар биринчи партада ўтирар эди. Мен ҳар доим бу жойни бермаслик учун синфдошларим билан курашар эдим. Аслида менга бу жой эмас, шунчаки у билан бир партада ўтириш ёқарди. Ҳар куни ўша аълочи қизнинг ёнида бўлиш учун соатлаб дарс қилардим. Ўзим истагандек мактабни тугатгунча бу жойга ҳеч кимни яқинлаштирмадим. Улғайдик. Ҳаёт ўзгарди. Мен шаҳарга ўқишга кирдим. Уни эса отаси ўқитмасликка қарор қилиб, бутун умр энг охирги партада ўтирган синфдошимизга турмушга берди. Шунда тушуниб етдимки мактабдаги баҳолар ҳаёт учун қўйилмаган экан.

### Аскар

**Мовий осмонни тўлдирган қуёш нурлари кунгабоқарлар орасидан мен билан беркинмачоқ ўйнаётгандек эди гўё. Уч кундан буён ечилмаган этигимдан сув ўтаётганини ҳисобга олмаганда ҳаммаси яхши. Майсалар устида бир-бири билан қувлашаётган капалакларни кўриб, қани энди иложи бўлса, қўлимдаги милтиқни улоқтирсам-у, қалам олиб шеър ёзсам. Ҳақиқатдан ҳам гўзал манзара. Аммо томошага вақт йўқ, негаки ҳар қадамим уйга яқинлаштиради. Яшасин "Ғалаба", яшасин "тинчлик". Ҳа, ниҳоят совуқ уруш устидан ғалаба. Ҳаммаси ортда қолди. Шу гўзал кунгабоқарлар мени уйга олиб боради. Ўғилчам ҳам уч йилда анча улғайиб, тилга киргандир, қизиқ, хотиним мени кўриб қандай севинар экан? Аскарнинг бу ўйларини "чиқ" этган қадам товуши бузди. Кенг майдон узра кунгабоқар гуллари сочилиб кетди.**

### Ҳаммол

*У доим тонг ёришмасдан, деворга илинган арқонни белига боғлаганча бозорга йўл оларди. Эрта турмаса ота-онасидан ёдгор қолган укалари оч қолади. Шусиз ҳам бозорда унга ўхшаган ҳаммоллар кўп. Югуриб елиб ишламаса топган пулига уввоқ ҳам бермаслигини билади. Шунинг учун бозорда ўтган ҳар бир дақиқаси унинг учун қадрли. Аммо бозор охирида томи лойсувоқ қилинган тикишхонадаги жингалак сочга севги изҳор қилиш учун вақт топарди. Бироқ ҳар гал қизнинг тугма қадаётган устидан чиқарди. "Ҳозир уни чақирсам менга қарайман деб нозик қўлларига беихтиёр игна кириб кетади", – деб дарди ичида тикувхонанинг ойнасига ёпишганча жимгина турарди. Шу зайлда ҳисобсиз бир неча йиллар ўтди. Бу орада ошиқ йигит ҳам улғайиб бозордан тонналаб юклар ташиди, лекин унинг юраги кўтариб юрган туйғунинг ёнида бу юклар ҳеч нарса эмаслигин биларди. Қўлларига бир неча юз мартталаб игна кириб миллионлаб тугмалар қадаб, қиз ҳам улғайди.*

*Бугуннинг тонги бошқача отди. Йигит етти йил деганда илк бора дарвозадан арқонсиз чиқди. Ҳа, бугун у ўша жингалак соч соҳибжамолга юрагидаги юкни бўшатмоқчи. Кайфияти яхши, уст-бошига қараган, ҳатто яхши кўринай деб оёғидаги йиртиқ калишига чиройли қилиб ямоқ солдирган. Бу тонг қиз учун ҳам ўзгача бошланди. У ҳаётида илк бора кеча улгурмай қолган тугмаларни қадаш учун эмас, ўзининг ҳаётига ёрқин бир кунни муҳрлаш учун жингалак сочларини тенг ўртасидан икки ажратиб ўриб йўлга чиқди. Иккиси ҳам бозор томон одимлар, баъзан шошганларидан минг мартталаб ўтган йўллардан ҳам қоқилиб ўтар, аммо парво қилмасдилар. Йигит қизга бир неча қадам қолганда қўлида гул билан бозор дарвозаси ёнида қотиб қолди. Ҳаммол бу сафар бутун умр игналардан асраб келган бармоқларни ҳозиргина тақилган совуқ узукдан асраб қололмаслигини сезди.*

**Обиджон РЎЗИБОЕВ,**
**Саҳна ва экран санъати драматургияси йўналиши**
**4-босқич талабаси**

# СОТУВЧИ АЁЛ

*БЎЛГАН ВОҚЕА*

Институтга ўқишга киргач ҳаёт ҳақидаги фикрлар, умуман, бадиий китобни кўп ўқий бошлагач дунёқараш ҳам ўзгариб, кенгайиб бораркан. Шунинг учун бакалавриатни битириб, магистратурага жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим. Отам: ўзингни қийнаб нима қиласан, балким шунча ўқиганинг етар, деганларида ҳам кучимни синаб кўрдим. Оллоҳга шукр омадим келиб кўзлаган ниятимга ҳам етдим. Бир куни телевизорда "Йўл" номли профессор олима, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Суийма Ғаниева ҳақидаги ҳужжатли фильмни кўриб қолдим. Буюк Навоий бобомиз, ўзбек адабиёти асосчисининг ижоди ва ҳаётини бутун умри давомида ўрганиб, илмини тараннум этган инсон мана ўзининг ҳам бетакрор ижодини тарихга муҳрлади. Ўша фильмда қаҳрамоннинг сўзлари қалбим торларини чертиб ўтди. "Бутун умр илм ўргансам ҳам ҳамон йўлдаман, илм йўлидаман!" Назаримда олима бу дунёда ўзи учун энг саодатли йўлни танлагани шубҳасиз. Бинобарин, бутун умри давомида ўз йўлини топа олмай шунчаки яшаб ўтиб кетаётганлар қанча? Мен ҳам насиб қилса илм йўлидан бориб, илмий янгиликлар қилиш истагидаман. Магистратура – бу йўлнинг илк остонаси, мана шу остонага қадам қўйганим мени ниҳоятда қувонтириб юборди.

Сизларга қалбимни қувончларга тўлдирган ҳиссиётларимни сўзлаб бердим, энди эса хотирамнинг қора бурчагидан ўрин олган, кўнглимни хижил қилиб, таъсирлантирган воқеани сўзлаб берай. Керакли хулоса чиқариш ўзингиздан албатта.

Бир куни курсдошим билан институт томон йўл олдик. Дарс режамиз тушдан кейинга мўлжаллангани учун шошмасдан олдинда турган диссертация ишимиз ҳақида суҳбатлашиб кетаётган эдик. Дўстим йўл четида ўтирган сотувчи аёлни кўрсатиб, ундан писта сотиб олиб чақиб кетишни таклиф қилди. Мен истакни қувватлаб дарров сотувчи томонга юрдим.

Хола, пистангиздан бериб юборинг.

Қанча оласиз?

Икки стакан. Жуфт бўлақолсин.

Шунда аёл столи остидан эскироқ китоб чиқариб шартта варағини йиртди-да, қоғозни қўлида ўраб унга пистани сола бошлади. Жаҳлим чиқиб кетиб дарров йиртилиб абгор ҳолатга келган китобга ёпишдим. Не кўз билан кўрайки, бу Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи эди. Китобни қўйнимга солиб жаҳл билан сотувчи аёлга гапирдим.

Нима қиляпсиз, китобниям йиртадими? Азиз нарса-ку бу.

Пакетга ортикча пул керак. Уйимда ётган экан, ким ўқийди? Эскириб кетган, олиб чиқиб ишлатиб юборяпман. Шунга фойдаси тегсин ҳеч бўлмаса.

Мана китобнинг пули.

Унинг ёнига чўнтагимдан пулни ташлаб китобни олиб кетдим. Қарасам анчагина вароқлари йиртилган, ярмига келиб қолган экан. Дўстим бу ҳолатни кўриб юпатгандек бўлди.

Ўртоқ, бу одамлар китоб қадрини қаердан ҳам билсин? Кўп куйинганингга арзимайди. Яхши қилибсан олиб, лекин эртага у яна бошқасини йиртиб ишлатаверади.

Уволига қолиб зор-у хор бўлади ҳали.

Менинг ичимдаги ғалаёнларим тошиб келарди. Бу воқеа хотирамда қолди. Ҳар дам ўша сотувчини олдидан ўтиб кетганда унга қарамасликка, бефаросатлигига эътибор бермасликка тиришаман, аммо ичимда унинг гуноҳга қолаётгани учун ачиниш пайдо бўлаверади. Начора, уни ўзгартиролмайман, бу аёл адабиёт нималигини, илм қадрини бир умр англамай ўтиб кетувчи ана шу столида писта, тамаки сотиб кун кўрганига хурсанд яшовчи кимса. Афсуски, орамизда бундай кимсалар йўқ эмас. Вақти келиб албатта улар умрини заволга бағишлагани учун қаттиқ афсус чекадилар!

**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**"Саҳна назарияси ва тарихи"**
**йўналиши 1-босқич магистранти**

# СЕНИ...

Сени… Сени жуда соғиндим. Сени кўрмаганимга ҳам мана бир ой бўлибди. Охирги марта учрашган кунимизни ҳамон унута олмайман. Ҳар сафар сени кўрганимда қўлларингдан маҳкам ушлаб олар эдим. Бизнинг қўлларимиз кун бўйи бирга бўлар эди. Аммо кечга бориб биз ажралишга мажбур бўлардик. Негадир кун охирлагани сари сенинг ҳам вазнинг камайиб борарди, назаримда.

Сен мен учун энг гўзалсан. Биласанми, бу гўзалликни қачон кўпроқ ҳис қиламан? Сен кетганингда ва яна бир ой йўлингга мушток бўлишга мажбурлигимни ўйлаганимда.

Сенга мендан бошқа ҳам ошиқлар бисёр. Лекин сен шунчалар ажойибсанки, ҳаммага бирдек меҳр улаша оласан.

Оз фурсат қолди, биз яна бирга бўламиз. Сени жудаям соғиндим, қадрли СТИПЕНДИЯМ. Йўлингга кўз тикиб қолувчи талабанг –

**Мажнуна ЧЎЛИЕВА,**
**Саҳна ва экран санъати драматургияси йўналиши**
**1-босқич талабаси**

# Манзилига етмаган кўзёш...

*Тиббиёт соҳасида ўқиганлигим сабабли ишхонамиздан беш кишини малака ошириш учун Москвага юборишди. Москва чиройли шаҳар. Кўчаларида ҳамиша одам гавжум. Осмонўпар бинолар одамнинг ҳайратини орттиради. Ҳали келганимизга ўн кун ҳам бўлгани йўқ. Аммо мен дарров уйни соғина бошладим. Малака ошириш институтидан чиққач, кўчаларни бироз пиёда сайр қилгим келди. Ҳаво тоза, баҳорнинг салқин шабадаси танга хуш ёқади. Хаёлларга берилиб одимлаяпман. Шу пайт қулоғимга қаердандир "Юра идём," – деган чақириқ эшитилди. Аланглаб овоз келган томонга қарадим. Сочлари тилларанг, кўзлари мовий, ўн саккиз ёшлар чамасидаги йигит чопиб ўтди-да, дўстлари ёнига борди. Уларнинг ортидан тикилганча қолдим. Бу исмни эшитиб хотиралар ёпирилиб келди…*

* * *

*Бу воқеага анча йиллар бўлди. Ўшанда мен ҳали ёш қизалоқ эдим. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳовлимизда энди қурилиш ишлари тўхтаган, фақат ҳаммом чала қолган эди. Уни битказиш мақсадида отам уйимизга Юра исмли кафел терувчи устани олиб келди. Уни кўриб, мен негадир худди ноёб ўйинчоққа эга бўлган боладай қувонган эдим. Негаки кечқурунлари мен билан беркинмачоқ ўйнайдиган янги ўртоқ топилган эди-да. Юра жуда камтарин, кулиб турувчи юзи кўп ичганидан қип-қизил, оғзидан доим вино ҳиди анқиб турарди. У ўзбекчада қийналиб гапирса мен негадир қувонардим. Юра ўзбекларга ўхшаб болажон эди. Мени ўз тилида эркалаб, юзларимдан ўпар, мен эса вино ҳидига чидолмай юзимни буришиб тирардим. Юра эса бундан мириқиб куларди. Ҳар кунги кечки овқатдан сўнг, опаларим, акаларим ухлагани кириб кетишарди. Мен бўлсам, Юранинг ҳар кеч отамга айтадиган ўз ҳаёти ҳақидаги ҳикояларини худди эртак эшитгандай қулоғимни динг қилиб тинглардим. Унинг ҳикоялари жуда аянчли ва дардли эди. Юранинг касби уста бўлгани учун, у қишлоқма-қишлоқ юриб кун ишга чақирса боради. Бизнинг уйга келишдан олдин у бир ҳовлида кафел терган экан. Бир куни Юранинг қўлидан бир ўрам кафел беҳосдан тушиб кетади. Уй эгаси эса уни роса дўппослаб, бир тийин ҳам бермай кўчага ҳайдайди. Шунда Юра отамга: "Кўрдингми Кодир, одамлар қанака. Ўшанда калтаклардан мени танам оғримади. Мана бу ерим – у кўксини муштлаб, - мана бу ерим оғриди," – дея йиғларди. У йиғидан тўхтагач, бир нуқтага тикилганча, негадир маъюс жилмаярди. Юранинг қалбида катта дард яширинган эди. Биз буни кейин билдик. Ёз охирлашиб қолган кунларда Юра ҳаммомни кафеллаб тугатди. Онам унга яхши қўйлак совға қилди. У болалардек қувониб, қўйлакни дарров кийиб олди-да, онамга узоқ миннатдорчилик билдирди. Дастурхон атрофида ҳаммамиз телевизор кўриб овқатланаётганимизда хорижий каналлардан бирида Россия халқининг байрамларини кўрсатиб қолди. Юра гапиришдан, овқат ейишдан тўхтаб телевизорга тикилганча маъюс жилмайиб йиғларди. Отам унга русчалаб таскин берар, Юра эса худди ёш болалардек қўллари билан кўзёшларини артар, ўзини тўхтатолмай, елкалари силкиниб: "Я люблю свою Родину, очень скучаю," – дея йиғларди. Митти қалбим билан Юрага раҳмим келар, унга қўшилиб йиғлардим. Ўшанда мен эркак кишининг йиғлаганини биринчи кўришим эди. Айниқса, Юранинг телевизорни кўрсатиб, отамга қараб: "Там есть папа, мама, сестра. Я пойду свою Родину. Я пойду," – дея айтган охирги сўзлари ҳалиям қулоғим остида жаранглайди. Орада қанча сувлар оқиб кетди. Бир куни биз Юранинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитдик. Юра ўз Ватанига қайтолмади…*

* * *

*Бугун мен Юра бутун умр қайтишни орзу қилган Москва кўчаларида юриб кетяпман-у, кўзларим ёшга тўлган. Мен Юра учун қадам ташлаётгандекман. Мен Юра учун хурсандман. Ҳа, жудаям хурсандман.*

**Муҳиба ИСМАТУЛЛАЕВА,**
**Саҳна ва экран санъати драматургияси**
**йўналиши 3-босқич талабаси**

**Муассис:**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

**Таҳрир ҳайъати:**
*Гўзал ХОЛИҚУЛОВА*
*Ҳамдам ИСМОИЛОВ*
*Антонино КОШЕЛЕВА*
*Рашид УСНАТОВ*
*Нафиса РАИМҚУЛОВА*
*Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА*
*Муҳаррам БОЗОРОВА*

**Масъул котиб:**
*Шавкат ДЎСТМУҲАММАД*

**Таҳририят манзили:** 100025 Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй.
**Тел.:** +99890 374-24-25; +99871 230-28-13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами – А3, ҳажми 2 босма табоқ. Нусхаси – 1400 дона. Нархи келишилган нархда. Чоп этишга 30.11.2017 йилда топширилди.

Газета ҳар ойнинг охири ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади. Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ –1.

**Саҳифаловчи:**
*Дилмурод ДЎСТБЕКОВ*

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.